

# **ФАРГОНА ВОДИЙСИ ХАЛҚЛАРИ КАШТАДЎЗЛИГИНИНГ ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРИ**

*Абдуллаева Насибахон Арабовна  
АДПИ тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

**Аннотация:** Фарғона водийси халқлари каштадўзлигининг инновацион жараёнлари ҳақида сўз кетади.

**Калим сўзлар:** иқтисодиёт, каштадўзлик, жамият, вазифа, марказ.

**Аннотация:** Рассмотрены новаторские процессы вышивки народов Ферганской долины.

**Ключевые слова:** экономика, вышивка, общество, миссия, центр.

**Abstract:** The innovative processes related to traditional embroidery in the Fargona Valley peoples are shown.

**Key words:** economy, embroidery, society, mission, center.

Мамлакатимиз иқтисодиёти кундан–кунга ривожланиб бораётган хозирги даврда халқимизнинг ўтмиши ва бугуни, орз уйлари, ўй- хаёллари, ижтимоий меҳнат қилиш усуллари, ижодий фаолиятини ўзида акс эттирган каштадўзликни сақлаб қолиш ва ривожлантириш мақсадида тадқиқот олиб борилди. Замонавий кашталарда анъанавийликни сақлаган холда кашта буюмлари яратиш, халқ хунармандчилигини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратиш хозирги кундаги энг муҳим вазифалардан бири, деб ҳисобланмоқда.

Дунёning кўплаб илмий–тадқиқот марказларида маданий хилма-хиликни ўрганишда муаммога вертикал ёндашув асосида тадқиқотлар олиб борилмоқда бир неча йиллардан бери ”Марказий Осиёни тадқиқ қилиш Франсуз институти (IFEAC)”, ”Туркалогия маркази” ва ”Туркий халқлар академияси(МДҲ давлатлари)”да минтақа халқларинингэтник тарихи, этномаданий ўзига хослиги моддий ва маънавий маданиятидаги анъанавий ҳамда замонавий жихатларни ўрганиш бўйича кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу

изланишлар давомида эришилган натижалар Марказий Осиё халқарининг тарихи, санъати, маданиятини атрофлича ўрганишда мухим манба бўлиб хизмат этади. Мустақиллик йилларида ўзбек халқининг ўз аждодлари томонидан яратилган тарихий меросини тиклаш, сақлаш, ўрганиш бугунги ҳамда келажак авлоднинг маънавий мулкига айлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек “...биз тарихимизнинг барча босқичларининг яхлит ҳолда қабул қилиб, ҳар тамонлама чукур ўрганмоғимиз зарур”.

Тарихдан маълумки, ўзбек каштачилиги барча касб-хунарлар қатори табиий шарт-шароит ва этномаданий муҳитга боғлиқ ҳолда ривожланган. Каштачилик санъатининг энг қадимий намуналари кам сақланган бўлсада, бир қанча археологик материалларда дастлабки кашталар ҳақидаги маълумотлар учрайди. Хусусан ,антик даврларга оид қабрлардан топилган матоларга тикилган кашталар Баруздин тамонидан Қара булоқ қабристонидан топилган [1]. Афросиёб деворий суратларида акс этган персонажлардан хам қўришимиз мумкин [2]. Кашта Ўрта Осиёда қадимги даврлардаёқ шаклланган. Аж додларимиз яратган каштадўзлик хунари хозирги кунгача анъана тарзда давом этиб келмоқда. Шундай экан, бой маданиятимиз таянчи хисобланган миллий хунармандчилик анъаналарига таяниб, келажак истиқбол режалари асосида давлатимизни ривожлантириш, гўзал Ўзбекистонимизда озод ва обод, эркин ва фаровон, хуқуқий демократик жамият қуришга оз бўлсада, ўз хиссасини қўшиш, ҳар бир Ўзбекистонликнинг бурчи эканлигини хис қилиб яшаш кераклигини унутмаслигимиз даркор.

Фарғона водийси каштадўзлигининг инновацион жараёнларини ўрганиш мақсадида 55 та саволдан иборат саволнома тузиб чиқилди. Саволлар 4 та босқичга бўлиниб, Фарғона, Наманган, Андижон шаҳарлари ва туманларидағи аҳоли ўртасида сўров ўтказилди. Сўров орнаменлардаги таъсирларнинг ривожланиши, турли хил белги ва рамзлар ўрнига, нафосат ғояларининг ўсиши туфайли умумий тасаввурлар асосида умумий орнаментлар вужудга келганлигини қўрсатади. Бунда ўсимликлар, хайвонлар, геометрик шакллар

уйғунлашиб, кесишган чизиқли нақшлар пайдо бўлган. Бундай орнаментларнинг намуналари Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган, Термиз музейи коллекцияларида кўришимиз мумкин. Шу даврга келиб, табиий тасаввурлар хам янада ривожланди. Бу эса ривожланиш жараёнида қадимги каштадўзликни ўрганиб, замонавий каштадўзлик буюмларини яратиш, касаначилик, кичик бизнес ва тадбиркор-ликда ўз ўрнига эга бўлган каштадўзликни асраб қолиш, келгуси авлодга хам етказиш бугунги куннинг талабларидан бири эканлигини кўрсатади.

Биз каштадўзлик анъаналарини босиб ўтган йўлни илмий асосда ўрганиш учун каштадўзликда инновацион жараёнларни тадқиқ этдик .Юқорида кўрсатиб ўтилган 55 та саволдан иборат саволнома орқали Фарғона водийсида жойлашган шахар ва қишлоқларда яшовчи турли ёшдаги аҳоли ўртасида сўров ўтказилди .

1 босқич. Демографик холат бўлиб, бу бўлимда Ўрта Осиё худудида, шу жумладан Фарғона водийсида яшовчи халқларнинг неча ёшдан каштачилик билан шуғулланиши, кўпроқ каштачилик билан шуғуллангани аниқланди. Сўров натижасида сўралган ахолининг 80%и XIX-XX асрларда хам қизлар 8-10 ёшдан бошлаб кашта тикишни ўрганганлиги, сўнг анъана тарзда давом эттирилганини айтган. Бу хунари билан кўпроқ аёллар шуғулланганлиги аниқланди.

2 босқич. Каштачиликнинг яқин ўтмишдаги даврига алоқадор бўлиб, бунда XIX асрнинг охири –XX асрнинг бошларида каштачиликка бўлган талаб, эҳтиёж ва технологиясини аниқлаш мақсадида бир нечта саволлар орқали Фарғона, Андижон, Наманган худудининг шаҳар ва қишлоқларида сўровнома ўтказилди. Куйида шу саволлардан намуналар келтирамиз:

1. Сиз каштачиликнинг қайси тури билан шуғуллангансиз?
2. Кашта тикиш учун қандай иплардан фойдалангансиз?
3. Яқин ўтмишда каштачиликда устоз-шогирд анъаналари қандай амалга оширилган?

4. Яқин ўтмишда каштачилик қайси шаҳарларда ва қишлоқларда ривожланган?

5. Каштачилик билан шуғулланиш учун яқин ўтмишда одамлар маблағни қаердан олган ?

1-савол бўйича сўралганларнинг 34% дўппи тикиш, 41 % и чойшаб тикиш, 20 % и жойномоз тикиш ва 5 % и зардевор тикиш билан шуғулланганлиги аниқланди. 2-совол бўйича сўралганларнинг 24% и турли иплардан, 14 % и жун иплардан, 18 %и пахтадан тайёрланган иплардан фойдаланганлиги аниқланди.

3-савол бўйича сўралганлардан 76%и XIX аср охири -XX асрда каштачилик фаолиятида устоз –шогирд анъаналари ,авлоддан - авлодга ўтганлигини айтишди, қолган 24 %и кўни–қўшилардан ўрганганлиги аниқланди.

4-савол қадимдан каштачилик Фарғона водийсининг Андижон, Наманган, Кўқон шаҳарлари ва унга яқин қишлоқларида юқори ривожланганлигини аниқланди.

5 –савол бўйича қадимда каштачилик билан шуғулланиш учун 36% оила буюджетидан олганлиги, 34 %и товар алмашиниш туфайли амалга оширилганлиги, 28 % и хом ашё оила аъзолари томонидан тайёрланганлиги аниқланди.

Умумий хulosага келадиган бўлсак, Фарғона водийсида каштачилик қадимдан ривожланган ва анъана тарзда давом этиб келмоқда. Кашта буюмларга талаб қадимдан бўлган. Бунинг асосий сабаблари одамлар яшаш шароитларини қадимдан гўзаллаштиришга интилганлар. Ўзи яшаб турган уй деворларини,дастурхонларини ,яшаш учун керакли буюмларини чиройли қилишга интилган, ўзбекона маданият доимо юқори ўринда турган. Каштачилик меҳнати сон ва сифат жихатидан тарихда талабга жавоб берган ва уни хозирда хам давом эттириш мумкин.

Халқимизда каштачиликга бўлган эҳтиёж хозир хам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, давом этиб келмоқда. Бунинг учун меҳнат ресурслари етарли. Буни юқоридаги саволлар орқали олинган натижалар хам кўрсатиб турибди.

Тадқиқотлар натижасида шундай хуносага келишимиз мумкинки, каштачилик худудий хусусиятлари билан хам фарқланади. Кашталар факат нақшлари билангина эмас, балки гуллари, орнамент таъсирлари дарахтлар, гулларнинг кўринишлари ва хатто материалларнинг ранглари билан хам фарқланган. Фарғона, Кўқон шаҳарларида каштачилар қизил, оқ, сариқ рангли матолардан, Наманганда аралаш рангли матолардан хово ранг, пушти, оч зангори, оч қизил матолардан, Андижонда эса тўқ рангли матолардан, жигарранг, қора, сапсар, тўқ қизил, тўқ зангори, тўқ кўк рангли матолардан фонгайдаланган. Бу эса ахолининг эҳтиёжидан, хамда этнопсихологик характеридан келиб чиқиб танланган. Кашта буюмларига эҳтиёж хам қўп бўлган. Ёрқин ранглар очиқ характерли, кўзга тез ташланувчан бўлса, матодаги нақшлар янада чиройли кўринади. Тўқ рангли матодаги нақшлар кирчимол бўлиб мато ва кашта буюми узоқ вақт ишлатилиши, чанг ва доғ билинмаслиги билан характерланган.

З – босқич Собиқ советлар даври каштачилик фаолиятини аниқлаш мақсадидаги саволлар орқали сўровнома ўтказилди.

1. Собиқ советлар даврида каштачилик артелларида тикилган кашталар, қўлда тикилган кашталардан афзал бўлганми ?
2. Собиқ советлар даври каштачилиги, қадимги каштачилиқдан нималари билан фарқланади ?
3. Собиқ советлар даври каштачилиги кашта тикадиган матоларга ўз таъсирини ўтказдими?

1- савол бўйича сўраганларнинг 65 % машинада тикилган кашталар кўпайганлиги туфайли қўл каштаси камайганлигини айтди. Лекин қўл каштаси сифат жихатдан юқори эканлиги аниқланди.

2 - савол бўйича сўраганларни 78 % и қадимги даврдаги қаштачилик собиқ советлар даври каштачилигидан гуллари ва нақшлари билан фарқланганлигини билдирилди. Бир хиллик матоларда хам, кашта гулларига хам кўчди .

3 - савол 65% сўралланганлар собиқ советлар каштачилиги матолари билан фарқланганлигини билдирилди. Бир хил матоларда яни косиб матолари камайиб, фабрика матолари кўпайганлигини билдиришди.

Умумий хулоса натижалари шуни кўрсатдик, собиқ советлар даврида қадимий удумлар ва ахолининг ижодий фаолияти билан боғлиқ кашталар ўрнини бир хиллик ва бир хил нақшлардан иборат машина кашталари эгаллади. Кашталар бўз ва суруп ларга тикилмай зипр деб аталган матога тикилди. Сўров натижасида 78% ахоли қўл каштаси афзал деб хисолаши аниқланди.

4-босқич. Каштачилик ҳозирги мустақиллик даврида.

Мустақиллик даврида каштачиликга бўлган талаб ва эҳтиёжни аниқлаш мақсадида қўйидаги саволлардан фойдаланилди.

1. Каштачилик мустақиллик даврида нима сабабдан тиклана бошланди.
2. Каштачилик буюмларининг халқимиз турмуш тарзидаги ахамияти нимадан иборат ?
3. Хозирги кашта буюмларида қандай таъсирлар бўлишини хохлар эдингиз?

4. Каштачиликни амалга ошириш учун кредит олган бўлармидингиз? – савол бўйича сўралганларнинг 88%и мутақиллик даврида каштачилик қайта тикланганлиги, бунга сабабли ўзлигимизга қайтиб, ахоли эҳтиёжини ошганлиги аниқланди.

2-савол юзасидан сўралганларнинг 82 % каштачиликнинг ахамияти янада ошган бўлиб, анъанага асосан дўппи, чорсилар, миллий кийимларга бўлган эҳтиёж ошганлигини аниқланди.

3-савол бўйича сўралганларнинг 82 % ҳозирги каштачилиқда замон талаблари ва ахолининг эстетик дидига мос, яъни замонавий замонавий кашта буюмлари яратиш кераклиги аниқланди.

4- савол бўйича сўралганларнинг 66% кредит олиб каштачилик билан шуғулланиши мумкинлигини, 26 % и устоз, шогирд анъаналари асосида каштачилик билан шуғулланиши мумкинлигини айтишди.

Бундан маълум бўлдики, Мустақиллик даврида каштачиликга бўлган эҳтиёж ва эътибор янада ошди. Шундай қилиб, тадқиқ этилаётган даврдаги каштачилик жараёнларининг инновацион усулларини ўрганиб шундай хуносага келиш мумкин.

1. Халқимизнинг эҳтиёжи учун каштачилик буюмлари керак.

2. Бозор иқтисодиёти шароитида оила бюджетини янада бойитиш учун камчиқим каштадўзлик хунари билан шугулланиш мақсадга мувофиқ. Иш ўринларини яратиш катта маблағлар талаб этмайди.

3. Каштадўзлик миллий маданиятимизнинг узвий қисми ва бу анъанамизнинг авлоддан-авлодга ўтиш давомийлигини сақлаб қолиш керак.

4. Каштадўзликни давом эттириш мақсадида каштаўзлик технологияси бўйича ўқув қўлланма яратиб, миллий –хунармандчиликлар соҳалари меҳнат дарсларида, ўқув ишлаб чиқариш корхоналари қошида дарслар ташкил қилиниб ўргатилиши керак деб хисоблайман.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, каштачилик хунари аждодлардан - авлодларга ўтиб, сайқал топиб, ривожланди. Асрлар оша хозирги кунгача орнаментларда, нақшларда, тикиш усулларида ўзгаришлар бўлди. Инновацион усуллар яратилди. Қўл кашталар ўрнини машина кашталари тикиш хам амалга оширилди. Мустақиллик даврига келиб теника ривожланиб, машина кашталари яратилган бўлса хам, қўл каштачилигига тикилган кашталар сифатли, рангдор, гуллар хам асл ўзидек таъсирланиб, инсонларни оханграбодек ўзига тортадиган бўлди. XXI асрга келиб кампьютерли машиналар пайдо бўлди. Бу кашта тикувчи машиналар қўл каштачилигига нисбатан тез тикилсада, қўл каштачилигидаги жозиба, турли кашта тикувчи чоклар билан тикилган кашталардан фарқ қиласди. Бу кашталар хам эҳтиёжга қараб хоҳ у усулда, хоҳ бу усулда тикилиб, ривожланиб, инсонларни эҳтиёжини қондириб, минг йиллар бардавом бўлсин. Каштадўзлик хунарини ёшлар тарбиясида хам мухим ахамиятга эга. Чунки қизлар ёшлигидан каштадўзлик хунарини ўрганиб, кашта буюмларини тикса, сабр тоқатли бўлишга, хаётни гўзаликларга буркашга, бир-бири билан дўстона яшашга, устоз –шогирд анъаналари орқали

катталарни хурмат қилишга, кичикларга иззатда бўлишга, санъатни севишга, яхши ниятлар қилишга, ватан тарақиётига хисса қўшишга, хунарни эзозлашга, миллий анъаналаридан ғуурланишга, хунар ўрганишга қизиқишига, оила буюджетига хисса қўшишга ўргатади. Юортбошимиз Шавкат Миромонович Мирзяев томонидан амалга жорий қилган беш ташаббуснинг 5-ташаббуси аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда хам каштадўзлик хунари мухим аҳамиятга эга. Каштадўзлик хунари энг кам чиқим хунар, бу хунар билан уй шароитида хам, бўш вақтларда хам шуғулланиб оила дароматига хисса қўшиш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Баруздин Ю. Д. Кара-Булакский могильник (Раскопки 1954 г) // Труды ИИ АН Кирг. ССР. Вып. II, – Фрунзе, 1956. – С. 56; Матбабаев Б. Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья. – Ташкент, 2009. – С. 70.; Ўша муаллиф:: Қадимги Фарғона аҳолисининг кийим-бошлари тарихига доир (археологик материаллар асосида) // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёнда Ўшавлар. – Тошкент, 2004. – Б. 130–133.
  2. Альбаум Л. И. Живопись Афрасиаба. – Ташкент, 1974. – С. 21, 22, 42, 44, 45, 46, 49, 50.
- \* Изоҳ: Қадимги Фарғона (Паркан) подшолиги назарда тутилмоқда.
3. Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. – Тошкент, 1990. – Б. 120.
  4. Гюль Э. Жойномоздаги рамзлар .Санъат.2001.1314 бетлар.
  5. Ўрақов М.Б.Каштадўзлик ва тўқимачилик ҳунарларига оид атамалар.Ўзбек тили ва адабиёти .1996.№6.47-49 бетлар.
  6. Веймарн Б.Исскуство Средней Азии.М :-Л."Исскусство"1940.- с.192.
  7. Ўзбекистон халқ санъати .Альбом. – Тошкент ."F.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашиёти ", 1976.216 бетлар.